

Нохушликларни ислом шиорларига боғлаш - гуноҳ!



11:06 / 23.05.2019 2186

Сўнгги вақтларда Интернет тармоқларида айрим нохушликларни ислом шиорларига боғлаш - «имом ундай бўлди», «масжид бундай бўлди» дейиш ҳолатлари учраётгани ижобий ҳодиса эмас. Аввалроқ «Деновда ҳамшаҳрига марихуана берган масжид ноиби қўлга олинди», «Уйи томсиз қолган имомга ёрдам берайлик», «Даҳшатли алангадан мўъжиза туфайли омон қолган имом зудлик билан операция қилиниши зарур» каби мақолалар эълон қилинган эди. Булардан мақсад нима? Шундай ноҳолис йўл орқали омманинг эътиборини жалб қилиш ёки нашр рейтингини оширишми?

Ўтган куни эса «Қўқонда имом ёрдамчиси гиёҳванд моддалар билан қўлга тушди» сарлавҳали хабарда косибчилик билан шуғулланиб, шу билан

бирга, Қўқон шаҳридаги масжидлардан бирида имомга ёрдамчилик қилиб келган бир шахс гиёҳванд моддалар билан қўлга тушиб, жазо тайинлангани ҳақидаги хабар эълон қилинди.

Шу ўринда бир мулоҳаза, асосий касби касибчилик бўлган инсоннинг имомга ёрдамчилик қилганини («ёрдамчи» деган штат йўқ) сарлавҳага олиб чиқишдан мақсад нима? Нега сарлавҳа «Косиб гиёҳванд моддалар билан қўлга тушди» шаклида эмас?.. Боз устига мазкур шахс ўтган йили ишдан бўшаб кетганига нима дейсиз?..

Жиноят қилган одамнинг динга муносабати, масжидга алоқаси олдинги планга олиб чиқилмаслиги лозим. Бу одам жиноят қилган экан, қонуний жазосини олди. Бироқ ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш илинжида диний идора, масжид ёки имом умуман, ислом шиорларини ёмонотлиқ қилишга уриниш дуруст эмас, балки гуноҳдир.

Интернетдаги бетизгин эркинлик сабабли баъзилар ҳурмат-эҳтиром каби инсоний туйғуларга, қонун-қоида каби меъёрларга риоя қилмаётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «У (инсон) бирон сўзни талаффуз қилмас, магар(талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)», деб баён қилган (Қоф сураси, 18-оят).

Ушбу ояти каримадан журналистларнинг ҳам айтганлари ва ёзганларини муаккал фаришталар ёзиб бориши, вақти етиб дафтар кўтарилганда бугун ёзганларимиз эртага ўзимизнинг фойдамиз ёки зараримизга ҳужжат бўлиши аён бўлмоқда. Шундай экан, ёзган материалларимизни одамларни ҳайратга соладиган қилиш учун Ислом шиорларига боғлашдан сақланайлик!

Ҳаммани лол қолдирадиган материал ёзаман, дея арзон шуҳратга учиб, Ислом шиорларига зарар етказиш – журналистика этикасига ҳам, миллатимиз ахлоқига ҳам, динимиз таълимотига ҳам мутлақо тўғри келмайди.

Ҳар бир сўзимизни ёзишга чоғланар эканмиз, онгимизда Аллоҳ таоло ва Унинг Расулининг бизни огоҳлантирган каломлари, аждодларимиз ибрати, Ислом дини қадр-қиммати пайдо бўлса, сўз айтиш масъулиятини янада теранроқ англаган бўлар эдик.

Зотан, қалам аҳлларининг шарафли касбида қўлга киритадиган ютуқларини таъмин этувчи муҳим омил ҳам шу эмасми, ўзи!

Умуман олганда, ўша жиноятчининг асл касби қолиб, имомга ёрдамчи эканининг сарлавҳага чиқарилишининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор:

диндор одам жиноятчи бўлмайди;

диндор одам оғуфурушлик билан шуғулланмайди;

диндор одамнинг бу каби қабиҳлик билан шуғулланиши бошқаларникидан икки чандон даҳшатли ҳодиса саналади;

косиб – ҳунарманд, имомлик эса пешволик...

Мақолага сарлавҳа қўйилганда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилган. Бироқ ўқувчини қизиқтириш, жиноятнинг кўламини бўрттириб кўрсатиш учун қўлга тушган жиноятчиларнинг намоз-ниёзи борини динга боғлайвериш одамларда дин ва диндорларга нисбатан салбий фикрни шакллантиришга, улардан ҳадиксирашга сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Ана шундан эҳтиёт бўлган маъқул, азизлар.